



ISSUES OF INTRODUCTION OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN THE ACTIVITIES OF THE SUPREME COUNCIL OF JUDGES

Sadikov Khurshid Primkulovich

Republic of Uzbekistan

Secretary of the Supreme Council of Judges

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13994664>

ARTICLE INFO

Received: 19th October 2024

Accepted: 25th October 2024

Online: 26th October 2024

KEYWORDS

Judges activity, electronic rating assessment, Judges Club, online forum, artificial intelligence, ChatGPT.

ABSTRACT

In this article, the unique aspects of the national system for evaluating the effectiveness of judges' work, developed by the Supreme Council of Judges, the activities of the Judges' Club of Uzbekistan under the Council, the activities of its online forum, which is the main platform of the Club, and proposals for the transformation of these systems into artificial intelligence technology based on the requirements of the present time given. The article evaluates the impact of the introduction of artificial intelligence technology in modern information technologies on the implementation of justice.

ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ВЫСШЕГО СОВЕТА СУДЕЙ

Садиков Хуршид Примкулович

Республика Узбекистан

Секретарь Высшего совета судей

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13994664>

ARTICLE INFO

Received: 19th October 2024

Accepted: 25th October 2024

Online: 26th October 2024

KEYWORDS

Судейская деятельность, электронная рейтинговая оценка, Клуб судей, онлайн-форум, искусственный интеллект, ChatGPT.

ABSTRACT

В данной статье рассмотрены уникальные аспекты национальной системы оценки эффективности работы судей, разработанной Высшим советом судей, деятельность Клуба судей Узбекистана при Совете, деятельность его интернет-форума, который основная платформа Клуба, и предложения по трансформации этих систем в технологии искусственного интеллекта с учетом требований настоящего времени. В статье оценивается влияние внедрения технологий искусственного интеллекта в современные информационные технологии на осуществление правосудия.

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Садиков Хуршид Примкулович



Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши котиби
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13994664>

ARTICLE INFO

Received: 19th October 2024
Accepted: 25th October 2024
Online: 26th October 2024

KEYWORDS

Судьялар фаолияти,
электрон рейтинг
баҳолаш, Судьялар клуби,
онлайн форум, сунъий
интеллект, ChatGPT.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Судьялар олий кенгаши томонидан ишлаб чиқилган судьялар фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш миллий тизимининг ўзига хос жиҳатлари, Кенгаш ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клуби фаолияти, Клубнинг асосий ишлаш платформаси бўлган унинг онлайн форуми фаолияти ҳамда ушбу тизимларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб сунъий интеллект технологиясига айлантириш юзасидан таклифлар берилган. Мақолада замонавий ахборот технологияларида сунъий интеллект технологиясининг жорий қилинишининг одил судловни амалга оширишга бўлган тасири баҳоланган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сонли Фармонида мувофиқ Судьялар олий кенгаши фаолиятига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий қилинди.

Жумладан, судьялар ва судьялик лавозимларига номзодлар билан суҳбат жараёнида бериладиган саволларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш дастури ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланиб келинмоқда

Бундан ташқари, “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сонли Фармонида асосан Судьялар олий кенгаши томонидан судьялар фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш миллий тизими ҳам ишлаб чиқилди.

Мазкур баҳолаш тизимини миллий деб таъкидлаш бежизга эмас. Чунки бу тизим хорижий давлатларда жорий этилган баҳолаш тизимларидан катта фарқ қилади.

Энг муҳим фарқларидан бири бу судьялар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш инсон омилисиз ва аралашувисиз амалга оширилишида.

Тўғри, электрон рейтинг дастурига (матнда бундан кейин “Дастур” деб юритилади) ҳар ой якунида тегишли маълумотлар масъул ходим томонидан киритилади, лекин судьянинг рейтинг баҳоси Дастурга киритилган маълумотлар асосида автоматлаштирилган тарзда шаклланади.

Суд қарорларининг сифати мезони бўйича судья томонидан чиқарилган суд қарорининг юқори инстанцияларда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши Дастурга киритилган жарима баллари асосида баҳоланади.



Дастурга суд қарорларининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши оқибатидан келиб чиқиб, 74 та ҳолатда жарима баллари белгиланган.

Мисол учун, апелляция инстанциясида айблов ҳукми тўлиқ бекор қилиниб оқлов ҳукми чиқарилиши 8 балл, ҳал қилув қарори тўлиқ бекор илиниб янги ҳал қилув қарори чиқарилганда 6 балл, ишни тугатиш ажрими тўлиқ бекор қилинганда 2 балл қилиб белгиланган.

Судьянинг қарори бекор қилинганда, масъул ходим бу ҳақида Дастурга маълумот киритади, Дастур қарорнинг бекор қилиниши сабаби ва оқибатидан келиб чиқиб белгиланган жарима балини судьянинг жами балидан айиради.

Судьяга суд қарорларининг сифати мезони бўйича жами 50 балл берилган бўлиб, у суд қарорлари барқарорлигини таъминлаган ҳолда шу баллни сақлаб қолиши керак.

Суд қарорининг сифати фақатгина унинг бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги билан эмас, балки тўғри расмийлаштирилганлиги, матнда хатолик йўқлиги ҳамда асослантирилганлиги билан баҳоланиши мумкин.

Бироқ суд қарори матнини баҳолашни инсон омилисиз ва аралашувисиз амалга ошириб бўлмайди. Бу ўринда баҳоловчининг савияси, суд қарорини танлаш услуби турли хил ёндашувга олиб келиши ва натижада адолатсиз баҳо қўйилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу сабабли Ўзбекистонда судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш миллий тизими инсон омилисиз ва аралашувисиз амалга оширилиши тамойили асосида ишлаб чиқилди.

Бу борада тажрибаси ўрганилган барча ривожланган хорижий давлатларда судьянинг фаолияти самарадорлиги бир гуруҳ судьялар томонидан муҳокама қилиниб баҳоланиши, яъни баҳолаш натижаси субъектив хулосалардан келиб чиқиши аниқланди.

АҚШда судьялар фаолияти шу масалага масъул қилиб белгиланган суд ходимлари томонидан баҳоланади, Буюк Британия ва аксарият Европа давлатларида эса судьялар фаолиятини баҳолаш суд ходимлари томонидан эмас, балки мустақил комиссиялар томонидан баҳоланади.

Ўзбекистонда судьянинг фаолиятини судья, суд ходими ёки бошқа шахслар баҳоламаслиги, балки балки баҳолаш жараёнлари инсон омилисиз ва аралашувисиз амалга оширилиши электрон рейтинг баҳолаш миллий тизимининг холислиги ва адолатлилигини таъминлайди.

Суд қарорларининг сифати мезони бўйича баҳолашнинг яна бир жиҳати – судьянинг айби бўлмаган ҳолатда суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши баҳолашда инobatга олинмайди.

Шунингдек, апелляция ва кассация ажримлари бекор қилинганда ёки ўзгартирилганда жарима баллари ҳайъатнинг барча аъзоларига таъсир қилади. Бунда ҳайъатда маърузачи судьянинг рейтинг баҳосидан тўлиқ жарима баллари айирилади, ҳайъатда раислик қилувчи ва ҳайъат аъзосидан жарима балларининг ярми айирилади.

Бу ўз навбатида ишларнинг юқори инстанцияларда қайта кўриб чиқилишида судлов ҳайъати барча аъзоларининг масъулиятини оширади.



Судьянинг одоби ва масъулияти Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисидаги” Қонунининг 74-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар хизмат текшируви хулосаси билан тасдиғини топиб, интизомий жазо қўлланилган қонунбузарлик, интизомсизлик, қоидабузарлик, ҳуқуқбузарлик, шунингдек, Судьялар одоби кодекси талабларига риоя этмаслик ҳолатлари билан баҳоланади.

Судьянинг одоби ва масъулиятини баҳолаш мезони бўйича Дастурга хизмат текшируви хулосаси ҳамда интизомий жазо қўллаш тўғрисида малака ҳайъатининг қарори киритилган ҳар бир ҳолат бўйича судьянинг жами балидан 15 балл айирилади.

Судьянинг иш ҳажми катталиги, коррупцияга қарши курашишда фаоллиги, Судьялар клуби онлайн форумидаги фаоллиги, илмий даражага эгаллиги, судьяларнинг касбий малакасини оширишда қатнашганлиги ҳамда ишдаги тарафларнинг ярашувига (келишувига) эришганлиги қўшимча баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Иш ҳажмининг катталиги суд қарорларининг сифатига таъсир қилишида ва судьянинг масъулияти ва ижтимоий фаоллигини рағбатлантиришда қўшимча баҳолаш мезонлари мувозанатни таъминлайди.

Маълумот учун:

Рейтинг баҳолаш тизими – судья томонидан охириги ўн икки ой ичида қабул қилинган қарорлари сифати, интизомий жавобгарликка тортилганлиги, шунингдек, қўшимча баҳолаш мезонларида назарда тутилган фаолиятини 100 баллик баҳолаш.

Электрон рейтинг баҳолаш миллий тизимининг яна бир муҳим жиҳати баҳолаш натижалари таҳлил қилиниши ва унинг оқибати бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилишида.

Судьяларнинг баҳолаш кўрсаткичлари таҳлил қилиниши қандай оқибат келтириб чиқаради:

1. Судьялар олий кенгаши фаолияти қониқарсиз баҳоланган судьялар бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан Судьялар малака ҳайъатларига ёки Судьялар олий малака ҳайъатига муносабат билдиради.
2. Судьяларнинг малака ҳайъати фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган ҳар бир судья учун алоҳида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқади, зарур ҳолларда аниқланган ножўя хатти-ҳаракатлар юзасидан хизмат текшируви ўтказилиб, судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқади. Рейтинг кўрсаткичи пастлигининг ўзи судьяни интизомий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайди.

Маълумот учун:

Судьянинг фаолияти самарадорлиги:

86 дан 100 баллгача – “намунали”;

71 дан 85 баллгача – “яхши”;

56 дан 70 баллгача – “қониқарли”;

55 баллгача – “қониқарсиз” деб баҳоланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди,



вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раислари ва раис ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги шу ҳудуд, суд ва ихтисосликда ишлаётган судьялар рейтинг балининг ўртача миқдори ҳисобида баҳоланади.

Суд раислари ўзлари раҳбарлик қилаётган суд ва ҳудуддаги судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш рейтинг кўрсаткичлари билан танишиб боришлари мумкин.

Бу ўз навбатида суд раисларининг масъулиятини ошириб, ҳар бир суд ва ҳар бир ҳудуд рейтингини аниқлашга имкон беради.

4. Судьялар Кенгашнинг ахборот тизимида рўйхатдан ўтиб, ўзининг фаолиятини баҳолаш рейтинг натижаси, жумладан, умумлаштирилган маълумотларни кўрсатувчи титул варағи ҳамда ҳар бир мезон бўйича дастурга киритилган маълумотлар билан танишиб бориши мумкин.

Бу судьяга ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, хато ва камчиликлари устидан ишлашга имкон беради.

5. Судьялар олий кенгаши судьялик, айниқса, раҳбарлик лавозимларига тайинлашда муқобил номзодларнинг рейтинг кўрсаткичларини инобатга олган ҳулоса қилишга имкон беради.

6. Йил якуни бўйича энг юқори рейтинг кўрсаткичига эга судьялар “Ибратли судья” мукофоти билан тақдирланади.

Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш миллий тизими халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар мутахассислари томонидан юқори эътироф этилмоқда.

Судьялар олий кенгаши томонидан ишлаб чиқилган мазкур электрон рейтинг баҳолаш миллий тизими сунъий интеллект технологияси ҳисобланадими?

Маълумот учун:

Сунъий интеллект – маълумотларни тўплаб, муайян қоидаларга риоя қилган ҳолда таҳлил қилиб, инсон омилисиз ва аралашувисиз сўровларга жавоб берадиган ва маълумот берадиган компьютер дастури.

Электрон рейтинг баҳолаш миллий тизими қайд этилган белгиларга кўра сунъий интеллект технологияси ҳисобланади:

1. Маълумот тўплаш: Дастурга баҳолаш мезонлари бўйича маълумотлар киритилади. Яъни бекор қилинган ёки ўзгартирилган суд қарорлари, қарорни чиқарган судьялар, судьяга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви ва интизомий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида маълумотлар, чет тилини билишини тасдиқловчи ҳужжатлар, иш ҳажми тўғрисида статистик маълумотлар киритилади.

2. Муайян қоидаларга риоя қилган ҳолда маълумотларни таҳлил қилиш: Дастурга киритилган маълумотлар муайян қоидалар, яъни жарима баллари, баҳолаш мезонлари бўйича рағбатлантириш балларини инобатга олган ҳолда рейтинг кўрсаткичи шакллантирилади.

3. Инсон омилисиз ва аралашувисиз сўровларга жавоб берадиган ва маълумот бериш: Судьяларнинг рейтинг кўрсаткичлари бўйича филтр қилиш, яъни турли хил сўровлар бериш имконияти мавжудлиги, ҳудудлар кесимида, судлар кесимида ва суд



ихтисослиги кесимида судьялар кўрсаткичлари рўйхатини шакллантириш, судьянинг рейтинг кўрсаткичи титул варағининг автоматик тарзда шаклланилиши, рейтинг кўрсаткичи энг яхши ва қониқарсиз бўлган судьялар рўйхати шакллантирилади.

Юқорида қайд этилган белгиларга кўра электрон рейтинг баҳолаш миллий тизими, тўлиқ ва кучли бўлмаса-да, шартли равишда сунъий интеллект ҳисобланади.

Электрон рейтинг баҳолаш миллий тизимини ҳақиқий сунъий интеллект технологиясига айлантириш учун қуйидагилар таклиф этилади.

1. Дастурни Олий суднинг ахборот тизимига интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш. Бунда Дастурга маълумот масъул ходим томонидан киритилмасдан, тўғридан-тўғри Олий суд ахборот тизимидан олинади.

2. Суд қарори тўғри расмийлаштирилганлиги, матнда хато бўлмаслиги ёки асослантириб ёзилганлиги ҳам унинг сифатини белгилайди, лекин бу сифатни инсон омилисиз баҳолаш қийин.

Бу борада сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали суд қарори матни ва тузилмасини махсус дастурда текшириб, хато ва камчиликларини аниқлаш ва баҳолаш мумкин.

3. Дастурга тегишли қоидаларни киритган ҳолда суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишида судьянинг айби йўқлигини автоматик тарзда аниқлаш ва баҳолашда инobatга олинмаслигини таъминлаш.

4. Бекор қилинган ёки ўзгартирилган суд қарори бўйича иш тоифасининг мураккаблигига қараб жарима балларини белгилаш. Яъни оғир тоифадаги ишлар бўйича жарима баллини камайтириш, қисқа вақт ичида бир тоифада бир нечта суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилганда жарима баллини умумлаштириб ҳисоблаш.

5. Судьянинг рейтинг кўрсаткичидан келиб чиқиб аниқланган хато ва камчиликлар билан ишлаш бўйича индивидуал чора-тадбирлар режасини автоматик тарзда шакллантириш.

II. Судьялар клуби – судьянинг кўмакдоши.

Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиявий характерга эга бўлган маслаҳатлар ҳамда судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўллаш юзасидан сўровларга тушунтириш бериш ваколатига эга Ўзбекистон Судьялар клуби жамоатчилик асосида фаолият юритиб келмоқда.

Судьялар клубининг фаолияти клубнинг бошқарувчиси, масъул аъзолари ва ҳудудий вакиллари томонидан ташкил этилади.

Клубнинг масъул аъзолари таркиби кўп йиллик иш тажрибасига, чуқур билим ва юксак обрў-эътиборга эга бўлган амалдаги ва фахрий судьялар орасидан шакллантирилади.

Судьялар клубининг масъул аъзолари соҳалар бўйича жамоалар фаолиятини мувофиқлаштириб боради, соҳалар бўйича жамоаларда касбий интилувчанлик, ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик руҳида ишни ташкил қилади, соҳалар бўйича жамоалар фаолиятида фаол иштирок этади, жамоа аъзолари учун долзарб бўлган саволлар, муаммоларни аниқлайди ва муҳокамасини ташкил қилади, соҳалар бўйича муҳокама



этиладиган масалалар бўйича ўз фикр ва тавсияларини бериб боради, Судьялар олий кенгашига долзарб масалалар бўйича маълумотнома киритиб боради.

Судьялар клубининг асосий ишлаш платформаси унинг онлайн форуми бўлиб, бу республикамиздаги барча судьяларнинг билими ва касбий малакасини ошириш мақсадида судьялар учун мулоқот майдони ҳисобланади.

Эркин фикрлашни таъминлаш учун судьялар форумдан аноним тарзда фойдаланиш имкони яратилган.

Онлайн форумда шу кунга қадар 13 мингдан ортиқ мавзу бўйича

500 мингдан зиёд савол, тавсия, тушунтириш ва фикр шаклида хабарлар қолдирилган.

Жумладан, меҳнат, мулк ва уй-жой, шунингдек, алимент, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришга оид низоларни кўриб чиқишда юзага келаётган муаммолар ҳамда уларнинг ҳуқуқий ечимлари, бу борада Олий суд Пленуми қарори шаклида раҳбарий тушунтиришлар ўртага ташланмоқда.

Бундан ташқари, Судьялар томонидан қонунчиликни такомиллаштиришга оид 1467 та таклиф берилган.

Судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан берган 145 та сўровларига тажрибали судьялар томонидан тегишли тушунтиришлар берилган.

Онлайн форум судьялар ўртасида сўровномалар ўтказиш учун қулай платформа ҳисобланиб, ҳозирги кунга қадар судьялар ўртасида 50 дан ортиқ долзарб мавзуларда сўровлар ўтказилиб, тегишли хулосалар ва чора-тадбирлар амалга оширилган.

Форумнинг аёл судьялар ҳамжамияти бўлимида фақат аёл судьялар мулоқот қилиб, аёл судьяларга тавсия ва маслаҳатлар, гендер тенглиги, одил судлов ва хотин-қизлар мавзуларида қизғин муҳокамалар бўлмоқда.

Ижодкор судьялар фаолияти Судьялар клуби томонидан рағбатлантирилиб, форумнинг тегишли бўлимида судьянинг маънавиятини ошириш ва судьялик фаолияти ҳақидаги адабиётлар ва санъат асарлари, шу жумладан, судьяларнинг ижоди билан таништирилмоқда.

Судьялар клубининг онлайн форумини сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали қуйидагича такомиллаштириш мумкин.

Биринчидан, форумда қолдирилган хабарларнинг кўплиги ҳамда қидириш тизимининг соддалиги судьяларни қизиқтирадиган маълумотларни топишни қийинлаштирмоқда ва бир хил мазмундаги дубликат хабарларни кўпайишига олиб келмоқда.

Амалда форумга хабар қолдираётган судья мавзу бўлими ва категориясини ўзи белгилайди. Мавзу бўлимлари ва категориялар сони ва номи чекланганлиги ҳамда судья янги бўлим ва категория яратиш ҳуқуқи йўқлиги хабарларни ўз мазмунига яқин бўлган бўлим ёки категорияга жойлаштиришга қийинчилик туғдирмоқда.

Сунъий интеллект технологиялари ёрдамида форумда қидириш тизимини такомиллаштириб, форумдаги хабарларни мавзулар бўлимлар ва категорияларга қайта саралаш ҳамда янги хабарларни автоматик тарзда категориясини белгилаш қизиқтирган мавзунини тезроқ топишга имкон беради.



Шунингдек, янги хабар ёзилганда шу мазмундаги хабарлар ҳақида маълумот берилиши форумда хабарлар савиясини оширади.

Иккинчидан, судьялар форумда савол билан мурожаат қилганда, бошқа судьяларнинг жавобини, тушунтириш ва маслаҳатини кутиб қолади.

Форумда ChatGPT га ўхшаш сунъий интеллект технологиясини жорий қилиб, судьянинг саволига сунъий интеллектнинг жавобини олиш имкониятини яратиш таклиф этилади.

Бу технологияни ишга тушириш учун сунъий интеллект хотирасига Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Пленум қарорлари тушунтиришлари, Судьялар олий кенгаши томонидан қабул қилинган идоравий ҳужжатлар, малака ҳайъати қарорлари киритилади.

Сунъий интеллект унга киритилган маълумотлардан келиб чиқиб, суд амалиётдан келиб чиқиб ўзининг жавобини, тушунтириш ва маслаҳатини беради.

Учинчидан, форумда қолдирилган хабарларни таҳлил қилишга жуда кўп вақт ва катта ресурс талаб этади.

Сунъий интеллект ёрдамида форумда қолдирилган хабарларни таҳлил қилиб, суд амалиётидаги муаммолар ҳамда судьяларни қийнаётган масалаларни тизимлаштириб, таклифлар ишлаб чиқиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Судьялар клубининг онлайн форумида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш орқали Судьялар клуби судьяларнинг ҳақиқий маслаҳатчиси ва кўмакдошига айланади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисидаги” Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сонли Фармони
3. Судьялар одоб кодекси
4. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги 1646-сонли қарори билан тасдиқланган “Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида” Низом
5. Судебные системы зарубежных государств : учеб.-метод. Пособие для студентов юрид. спец. БГУ / В. Н. Бибило. – Минск : БГУ, 2012. – 93 с.
6. Colbran S. A comparative analysis of judicial performance evaluation programmes // Journal of Commonwealth Law and Legal Education. Taylor & Francis. 2006. № 4. 35-67 p.
7. <https://lex.uz/docs/5146554>
8. <https://lex.uz/docs/3153668>
9. <https://lex.uz/docs/5146554>
10. <https://lex.uz/docs/3153668>